

Тамсил «мисол келтириш» маъносини билдириб, шеър байтининг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада хаётий бир ходисани мисол ки-либ келтиришга асосланган санъатдир. Биринчи мисрадаги фикр билан келтирилган мисол ўртасидаги муносабат — мантикий алока кўпинча киёсий йўналишда бўлиб, ижодкор диккати ҳам бадиий тафаккур билан хаётий вокелик ораси-даги ўхшашликка каратилган бўлади. Бошқача килиб айт-ганда, биринчи мисрада баён килинган фикр хаётий ходиса-га ўхшатилади, шоир ифодалаётган образлар хаётий мисол-даги нарса ёки тушунчаларга гоятда мое бўлиб тушади.

Лутфийнинг

Эй кўнгул, жонни хаёли олида кил пешкаш,
Хар нима бўлса азиз, элтур киши мехмон сори

байтида иккинчи мисрада келтирилган хаётий ходиса — мезбоннинг ўзи учун энг азиз бўлган нарсани мехмон олдига кўйиши биринчи мисрадаги фикр киёси эмас, балки далили, тасдикига хизмат килади. Байтдаги «Хар нима азиз бўлса, киши мехмонига тутуди, шунинг учун, эй кўнгул, сен ҳам жонингни, яъни энг азиз нарсангни ёр хаёлига пешкаш кил», — деган мазмун ҳам тамсил мохиятини кўрсатиб турибди.